

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FIL.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТИЛОВОВА ГАВҲАР АБДАХАТОВНА

**ЎЗБЕК ВА НЕМИС ТИЛЛАРИДА ЎРМОНЧИЛИККА ОИД
ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УДК: 811.512.133'373.46:630
811.112.2'373.46:630

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on philological sciences

Тиловова Гавхар Абдахатовна

Ўзбек ва немис тилларида ўрмончиликка оид терминларнинг
лексик-семантик хусусиятлари..... 3

Тиловова Гавхар Абдахатовна

Лексико-семантические особенности терминов относящихся к
лесоводству в узбекском и немецком языках 25

Tilovova Gavhar Abdaxatovna

Lexico-Semantical Peculiarities of Forestry Terms in Uzbek and German
Languages..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 52

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FIL.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТИЛОВОВА ГАВҲАР АБДАХАТОВНА

**ЎЗБЕК ВА НЕМИС ТИЛЛАРИДА ЎРМОНЧИЛИККА ОИД
ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.2.PhD/Fil890 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzmu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ияминова Шухратхон Салижановна**
филология фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар: **Маматов Абди Эшонкулович**
филология фанлари доктори, профессор

Исмоилов Юсуф Ниязметович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FIL.12.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси 4-уй. Тел.: (99871) 246-07-88; факс: (99871) 246-12-24; e-mail: pauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (126 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-07-88; факс: (99871) 246-12-24;

Диссертация автореферати 2021 йил «10» декабрь кунини тарқатилди.

(2021 йил «10» декабрь даги 10 рақамли реестр баённомаси)


А. Г. Шереметьева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор


Н. Э. Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


Н. А. Сиддикова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қўшмадаги илмий семинар раиси, филол. ф. д., профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида ўрмончилик соҳасини ва унинг тармоқларини турли усуллар билан ривожлантириш, кенгайтириш ҳақиқий маънода табиат ва инсон омили эҳтиёжларига айланиб бормоқда. Ўрмон ўсимликларининг янги навларини мамлакатимизга интродукция қилиниши ва уларнинг иқлим шароитимизга мослаштирилиши, ўз навбатида, ўрмончилик лексикасининг шаклланишига олиб келди. Айнан бу жараёнлар тилшуносликда ўрмончилик термин ва лексемаларини тизимлаштириш эҳтиёжини маълум маънода кучайтирди. Тилнинг ички ва ташқи омиллар таъсири остида тўхтовсиз ўзгаришларга учраши, ўрмончилик терминологиясига янги терминларнинг ўзлаштирилиши ушбу соҳага ҳам аҳамият қаратилишига сабаб бўлади.

Дунё тилшунослигида ўрмончилик лексикасининг лексик-семантик, структур-семантик жиҳатдан қиёсий ҳамда икки бир-бирига қардош бўлмаган тиллар кесимида чоғиштирилиши ҳамisha тилшунослар олдида турган муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Ўрмон ўсимликларининг янги навлари, хусусан, уларнинг номланишига доир кўплаб терминларнинг соҳа мутахассисларининг, қолаверса, жамиятнинг турли соҳаларида мулоқот жараёнига бевосита кириб келиши, ушбу соҳа терминологиясининг тадқиқ этилишига бўлган қизиқишларнинг тобора ортишига сабаб бўлмоқда ҳамда бу қизиқишлар терминларнинг тартибга солинишида мақбул ечимлар топилишини талаб этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби нафақат ўзбек тилшунослигида, балки чоғиштира тилшуносликда ҳам улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Биз жамиятимизда илм-фаннинг қадрини кескин ошириш, олимлар ва тадқиқотчилар учун шароит ва имкониятларни кенгайтириш йўлида жиддий ҳаракат қиляпмиз»¹ деб таъкидлашида тилшуносликни юксалтиришга қаратилган мазмуннинг ҳам мужассамлиги яққол кўринади. Шу сабабдан тилшунослик тадқиқотларида терминологик, лингвистик, энциклопедик, электрон луғатларга терминлар танлови ва уларнинг изоҳи билан боғлиқ масалалар, шунингдек, ўзбек тилшунослигида ўрмончилик терминларининг лексик-семантик хусусиятларини немис ва ўзбек тилларида чоғиштира аспектда махсус ўрганиш зарурати мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 11 майдаги ПҚ-2966-сон «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ЎРҚ-475-сон 2018 йил 16 апрель «Ўрмон тўғрисида»ги қонунининг ҳамда бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 30.09.2020. <https://iiv.uz/oz/news/>

меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек, немис ва рус тилшунослигида терминология масалалари бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилган. Ўзбек тилшунослигида терминология масалалари Ҳ.Дадабоев, Р.Дониёров, А.Мадвалиев, Х.Палуанова, О.Аҳмедов, Д.Кадирбекова, Х.Мирзааҳмедова, Т.Валиев, Ф.Қодирова, Д.Мўминова, Н.Атаевалар², рус тилшунослигида В.Виноградов, А.Реформатский, А.Герд, С.Гринев-Гриневиц, В.Лейчик, Т.Канделаки³, немис тилшунослигида Т.Шиппан, Р.Бульманн, А.Фернз, В.Клуте, Л.Хоффманн, И.Хонхолд, А.Йорн, Ҳ.Флук, Р.Торстен⁴ ва бошқа олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Терминология соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар кўп бўлишига қарамай, терминлар табиатига, уларнинг лексик-семантик, функционал-семантик хусусиятларига оид ўрганилмаган муаммолар ҳам мавжуд. Улар замонавий лингвистик тамойиллар асосида илмий жиҳатдан ўрганилишни ва бугунги кунда ўз ечимини топишни тақозо қилади.

² Дадабоев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Т.: Ёзувчи, 1991. – 186 с.; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Т.: Фан, 1977. – 160 б.; Мадвалиев А. Узбекская химическая терминология и вопросы ее нормализации. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1986. – 190 б.; Палуанова Х.Д. Экологик терминларнинг деривацион-семантик хусусиятлари (ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тиллари мисолида). Филол. фан. докт. (DS) ... дисс. автореф. – Т., 2016. – 88 б.; Аҳмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Филол. фан. докт. (DS) дисс. – Т., 2016. – 255 б.; Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари. Филол. фан. бўй. фал. докт... (PhD) автореф... – Т., 2017. – 44 б.; Мирзахмедова Ҳ.В. Форс тили транспорт терминларининг структур қатламлари ва ясаиш усуллари. Филол. фан. бўй. фал. докт... (PhD) автореф... – Т., 2017. – 45 б.; Валиев Т.Қ. Ўзбек тили йўлсозлик терминларининг структур-семантик хусусиятлари ва лексикографик талқини. Филол. фан. бўй. фал. докт... (PhD) автореф... – Самарқанд, 2018. – 50 б.; Қодирова Ф.Ш. Инглиз ва ўзбек тилларидаги тасвирий санъат ва дизайнга оид терминларнинг лингвокультурологик хусусиятлари. Филол. фан. бўй. фал. докт... (PhD) автореф... – Т., 2020. – 54 б.; Мўминова Д.А. Инглиз, рус, ўзбек тилларида нон маҳсулотлари технологияси терминларининг лисоний хусусиятлари. Филол. фан. бўй. фал. докт... (PhD) автореф... – Т., 2020. – 55 б.; Атаева Н.С. Инглиз ва ўзбек тилларида банк-молия терминларининг лексик-семантик хусусиятлари. Филол. фан. бўй. фал. докт... (PhD) автореф... – Т., 2020. – 49 б.

³ Реформатский А.А. Что такое термин и терминология. В сб: «Вопросы терминологии». – М., 1961; Герд А.С. Формирование терминологической структуры русского биологического текста. – Л.: ЛГУ, 1981. – 112 с.; Гринев-Гриневиц С.В. Терминоведение. – М.: Академия, 2008. – 303 с.; Лейчик В.М. Терминоведение: предмет, методы, структура. – М.: ЛКИ, 2007. – 256 с.; Канделаки Т.Л. Семантика и мотивированность терминов. – М.: Наука, 1977. – 167 с.

⁴ Schippa Th. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. – Leipzig: Bibliographisches Institut, 1984. – S. 246; Buhlmann R., Fearn A. Handbuch des Fremdsprachenunterrichts // Unter besonderer Berücksichtigung naturwissenschaftlich-technischer Fachsprachen. – Berlin/München: Gunter Narr, 2000. – 468 s.; Klute W. Fachsprache und Gemeinsprache // Texte zum Problem der Kommunikation in der arbeitsteiligen Gesellschaft. – Frankfurt/M, 1975. – 362 s.; Hoffmann L. Kommunikationsmittel Fachsprache. Eine Einführung. – Tübingen: Günter Narr, 1985. – 498 s.; Hohnhold I. Übersetzungsorientierte Terminologiearbeit. Eine Grundlegung für Praktiker. – Tübingen: Chronik, 1990. – 116 s.; Jörn A. Übersetzung und Linguistik. – Tübingen: Gunter Narr, 2013. – 328 s.; Fluck H.R. Fachsprachen. – Tübingen: Stauffenburg, 2018. – 328 s.; Thorsten R. Fachsprachen. – Berlin: Erich Schmidt, 2020. – 327 s.

Терминологиянинг шаклланиш омиллари, ривожланишининг тадрижий босқичлари, терминларнинг морфологик, лексик-семантик усуллар билан ясалиши, тилшуносликда назарий ва амалий аҳамияти, луғатчиликнинг тараққий этишида дунё олимларининг ҳиссаси бениҳоя каттадир. Рус тилшунослигида ўрмончилик терминологияси, ўсимлик номларининг келиб чиқиши, этимологияси, дендронимларнинг номинацион бирликлари рус тилида А.Меркулова, Л.Дмитриева, Н.Сперанская, Э.Гиззатуллина, А.Хисматова, Г.Курбанғалиева, М.Холодиналар⁵ томонидан этимологик, структур-семантик, қиёсий-типологик, ономазиологик ёндашувларда атрофлича тадқиқ этилган.

Ўзбек тилшунослигида ботаника терминологияси, ўсимликлар систематикаси, дарахт ва мева номлари тадқиқини Ҳ.Жамолхонов, С.Саҳобиддинов, Ю.Ишанкулов, К.Мелиев ва Б.Бафоев⁶ларнинг ишларида учратиш мумкин. Хоразм воҳасида диалект ва шеваларда учровчи минтақавий фитонимларнинг лисоний таҳлили Х.Наримов, ўзбек тилида ўсимлик номлари Г.Неъматова ва ўзбек тили фитонимларининг лексик-семантик хусусиятлари Н.Пазлиддинова⁷лар томонидан кенг очиб берилган.

Ушбу тадқиқот ишида юқорида номлари зикр этилган бир қатор ўзбек ва жаҳон тилшунослари томонидан ўрмончилик соҳаси ва ўсимликлар оламининг маълум бир таркибий лексикаси юзасидан қатор илмий изланишларни амалга оширилган бўлса-да, давр талаби ва тил эҳтиёжидан келиб чиқиб ўрмончилик терминологияси кенг кўламда, немис ва ўзбек тиллари кесимида чоғиштирма аспектда ўрганишни тақозо этди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган Олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Чоғиштирма тилшунослик, таржимашуносликнинг долзарб масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва немис тилларида ўрмончилик термин ва лексемаларининг лексик-семантик, структур-функционал хусусиятларини ўзаро чоғиштирган ҳолда очиб беришдан иборат.

⁵ Меркулова А. О некоторых принципах этимологии названий растений. Этимология. 1964. – М., 1965. – 259 с.; Дмитриева Л.В. Названия растений в тюркских и других алтайских языках // Очерки сравнительной лексикологии алтайских языков. – Л., 1972. – 223 с.; Сперанская Н.Н. Лесохозяйственная терминология. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1984. – 22 с.; Гиззатуллина Э.В. Сопоставительное исследование дендронимической лексики терминополья «Лес» в татарском и английском языках. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 2005. – 24 с.; Хисматова А.Р. Дендронимы в башкирском и немецком языках. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2005. – 24 с.; Курбанғалиева Г.М. Лексика леса в русских говорах Башкирдии. Дисс. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2001. – 275 с.; Холодина М.В. Лексика русской лесопильной промышленности: полипарадигмальный подход. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Красноярск, 2009. – 19 с.

⁶ Жамолхонов Ҳ.А. Ўзбек ботаника терминологиясининг таркиб топиши ва ривожланиш тарихидан. Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 1969. – 275 б.; Бафоев Б. Кўҳна сўзлар тарихи. – Т.: Фан, 1991. – 90 б.; Саҳобиддинов С.С. Ўсимликлар систематикаси. II Том, – Т.: Ўқитувчи, 1986; Ишанкулов Ю. К истории названий плодов в узбекском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1985. – 21 с.; Мелиев К. Туркий тилларда мевали дарахт номлари ва улар асосида ясалган лексик бирликлар // Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллари лексикасидан тадқиқот. – Т.: Фан, 1990. – 250 б.

⁷ Наримов Х.А. Хоразм минтақавий фитонимларининг лисоний таҳлили. Филол. фан. бўй. фал. докт (PhD) автореф. – Урганч, 2020. – 56 б.; Неъматова Г. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва кўлланилиши. Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 1998. – 52 б.; Пазлиддинова Н.З. Ўзбек тили фитонимларининг лексик-семантик хусусиятлари. Филол. фан. бўй. фал. докт. (PhD) дисс. – Фарғона, 2018. – 180 б.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тилшуносликда ўрмончилик терминларининг назарий тадқиқини ўрганиш, тил тизимидаги ўрни ва мақомини ёритиш;

ўзбек ва немис тилларида ўрмончилик терминларининг номинацион-мотивацион асосини ҳамда аффиксал, морфемик-морфологик, функционал-семантик, лексик-семантик усулда ясалишини очиб бериш;

ўзбек ва немис тилларида ўрмончилик терминларининг гипонимик, градуонимик, антонимик, синонимик муносабатларини атрофлича таҳлил қилиш орқали, мазкур тиллар семантикасидаги изоморфлик ва алломорфлик жиҳатларни ёритиб бериш;

ўрмончилик соҳасига оид бўлган манбаларда соҳа лексикасини тартибга солиш ва унификация қилиш бўйича тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объектини ўзбек ва немис тилларидаги ўрмончилик терминлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек ва немис тилларида ўрмончилик терминларининг деривацион тадқиқи, ясалиш усуллари ва лексик-семантик хусусиятлари тадқиқидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик (чоғиштирма), таснифлаш, тавсифлаш, компонент таҳлил, структур таҳлил, лексик-семантик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

ўзбек ва немис тиллари дендронимик лексикасининг терминологик майдондаги тизимлилик, номинативлик, дефенитивлик ҳамда нейтраллик каби лингвистик хусусиятлари уларнинг умумий тилшуносликдаги терминологик аҳамиятини белгилаш асосида исботланган;

ўзбек ва немис тилларида ўрмончилик терминлари функционал-семантик хусусиятларининг аффиксал, конверсия, композиция, морфемик-морфологик усулларда ясалиши каби дифференциал жиҳатлари ҳамда номлаш принципи ва тамойиллари асосида уларнинг номинацион-мотивацион белгилари соҳа терминларини тизимлаштириш орқали далилланган;

ўзбек тилида ўрмончилик терминларининг гипо-гиперонимик ва градуонимик муносабатлари лексик тизимда немис тили билан изоморфлик хусусиятга эгаллиги, немис тили ўрмончилик терминларининг антонимик, синонимик, синоним доминантлик каби тил тизимидаги лексик парадигмаларнинг икки тил семантикасидаги алломорфлик жиҳатлари исботланган;

ўрмончилик соҳасига оид бўлган манбаларда кўп ҳолларда соҳа терминларининг қўлланишида полисемантик муносабатнинг сақланганлиги исботланган, соҳа терминларини тартибга солишда тўсқинлик қилувчи синонимик ва тўғридан-тўғри калькалаш омилларини бартараф этиш ва унификацияга эришиш мақсадидаги тавсиялар далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўрмончилик терминларининг лексик-семантик хусусиятларини ёритиш ва ишнинг мақсадига эришиш учун немис ва ўзбек тилларида ўрмончиликка оид юзлаб лексемалар таҳлилга тортилган;

Ўрмончилик терминларининг лексик-семантик хусусиятларини чоғиштирма аспектда тадқиқ этиш учун И.Синягина ва бошқалар «Немецко-русский сельскохозяйственный словарь» ва Н.Пасхиннинг Deutsch-russisches Forstwörterbuch луғатларидан тўпланган сўз ва терминлар қарийб 4500 тани ташкил этди. Сўзлар ичидан фақат дендроним⁸лар танлаб олиниб «Ўзбекча-немисча-русча-лотинча ўрмончиликка оид сўзлар луғати»нинг босма ва умумий лексемалар йиғиндисидан «Deutsch-usbekisches forstwirtschaftliches E-Wörterbuch» электрон мобил илова дастури яратилган;

яратилган босма ва электрон луғатлар олий ўқув юртларида тилларни чоғиштириб ўқитиш ва ўрганишга, чоғиштирма ва қиёсий тилшунослик соҳалари бўйича махсус семинар-тренингларни ташкил қилиш амалиётига татбиқ қилинган;

ТДАУда талабаларнинг «Талаба алмашув» жараёнида Германиянинг турли қишлоқ хўжалик, ферма ва ўрмон зоналарига бориб амалиёт ўташида фойдали манба бўлиб хизмат қилаётган юқоридаги луғатлар орқали нафақат дендронимларнинг, балки ўрмончилик терминларининг ўзбек-немис-рус тилларида бевосита бир вақтнинг ўзида ўргана олиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда олинган хулосаларнинг қатъийлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги ва асослилиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, тегишли ташкилотлар тавсиясига кўра чоп этилган луғатлар, таҳлилларнинг немис ва ўзбек тили табиатидан келиб чиқилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга тадбиқ қилинганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ўрмончилик соҳасида қўлланилган сўз ва терминларнинг ясаиш усуллари, функционал-семантик хусусиятлари, чоғиштирилаётган тилларда ўхшаш ва фарқли жиҳатларнинг аниқлангани, ўзбек тилидан бошқа тилларга ва бошқа тиллардан ўзбек тилига ўзлашган қатламнинг соҳа тилида муносиб аҳамиятга ва мавқега эга эканлиги илмий жиҳатдан асослангани билан изоҳланади ҳамда тадқиқот ишининг назарий хулосалари ва таҳлил усуллари ўрмончилик терминологик тизимининг маъно доирасини кенг ёритиб беришда илмий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, иш фаолияти ўрмончилик соҳаси билан боғлиқ бўлган мутахассислар ўз амалий ва илмий изланишларида тадқиқотнинг таҳлилий материалларидан фойдаланишлари мумкин, шунингдек, нофилологик олий таълим муассасаларининг «Ўрмончилик» йўналишида таҳсил олаётган талабаларга Хорижий тил (немис тили)ни ўқитишда, терминологияга оид дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланмалар яратишда, мастер класс, семинарлар ўтказишда, курс ишлари,

⁸ Дендроним сўзи грекча δένδρον – сўзидан олинган бўлиб, dendron дарахт деган маънони англатади. Ўзи қўшилган сўзга дарахтга оидлик маъноси ифодасини беради, масалан, дендроним «дарахт номлари», дендрология (грекча dendron – дарахт, logos – фан) ботаниканинг бир қисми бўлиб, дарахт ва буталарнинг систематикасини, биологик ва экологик хусусиятларини, эволюциясини, морфологик ва анатомик тузилишини, физиологиясини, географик тарқалиши ва халқ хўжалигидаги аҳамиятини ўрганади.

битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларини ёзишда, иллюстрацион аҳамиятга эга бўлган икки тилли ва кўп тилли луғатлар тузишда фойдали амалий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек ва немис тилларида ўрмончилик терминларининг лексик-семантик хусусиятларини тадқиқ этишдан олинган натижалар асосида:

ўзбек ва немис тиллари дендронимик лексикасининг терминологик майдондаги тизимлилик, номинативлик, дефенитивлик ҳамда нейтраллик каби лингвистик хусусиятлари уларнинг умумий тилшуносликдаги терминологик аҳамиятини белгилашга оид хулосалардан «Ўзбек сеҳрли эртаклари типологик каталоги немис тилидан ўзбек тилига таржимаси» мавзусидаги халқаро амалий лойиҳада фойдаланилган (Германиянинг «Olmon-O'zbek ilmiy jamiyati»нинг 2021 йил 15 июлдаги маълумотномаси). Натижада немис тилида ўрмончилик лексикасига оид бўлган сўзларнинг тилдаги аҳамияти, шунингдек, бевосита ўзбек тилига берилиш жараёнида лингвистик муқобилини танлаш муҳим эканлиги, бу орқали мукамал эквивалент танлашга эришиш мумкинлиги аниқлаб берилган;

ўзбек ва немис тилларида ўрмончилик терминлари функционал-семантик хусусиятларининг аффиксал, конверсия, композиция, морфемик-морфологик усулларда ясалиши каби дифференциал жиҳатлари ҳамда номлаш принципи ва тамойиллари асосида уларнинг номинацион-мотивацион белгилари соҳа терминларини тизимлаштириш юзасидан олинган таклиф, тавсия ва ғоялардан Тошкент давлат аграр университетидан 2018-2019 йилларда бажарилган «Марказий Осиёда касбий таълимни ривожлантириш» номли грант доирасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат аграр университетининг 2021 йил 10 июлдаги 1/4-1-2/46-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек ва немис тилларида ўрмончилик терминларининг гипо-гиперонимик ва градуонимик муносабатлари, антоним, синоним ва синоним доминант ўрмончилик терминларининг изоморфлик ва алломорфлик жиҳатларининг очиқ берилиши орқали касбий таълимнинг сифатини ошириш ва ривожлантиришга эришилган;

ўзбек тилида ўрмончилик терминларининг гипо-гиперонимик ва градуонимик муносабатлари лексик тизимда немис тили билан изоморфлик хусусиятга эгаллиги, немис тили ўрмончилик терминларининг антонимик, синонимик, синоним доминантлик каби тил тизимидаги лексик парадигмаларнинг икки тил семантикасидаги алломорфлик жиҳатлари юзасидан келтирилган тавсиявий материалларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган «Адабий жараён» ва «Таълим ва тараққиёт» номли радиоэшиттиришларнинг 2021 йил 14 май, 8 июнь кундаги сонлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 25 июндаги 04-25-1075-сон маълумотномаси). Натижада турли тизимли тилларда ўрмончилик лексикасининг инсонларнинг мулоқот жараёнига кириб келиши,

ишлатилиши ҳамда соҳа лексикасининг тартибга солинишида берилган тавсиялар радио тингловчилар билимларининг бойишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 132 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар сони ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тилшуносликда термин ва терминологиянинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида тилшуносликда терминни таснифлаш муаммолари, соҳа терминологияси, жаҳон тилшуносларининг термин тўғрисида берган таърифлари, ўрмончилик терминларини тўплаш ва тартибга солиш масалалари ёритилган. Шунинг баробарида термин, атама, истилоҳ, терминология ва номенклатура тушунчаларига олимлар томонидан билдирилган назарий қарашлар ўрганилган ва муносабат билдирилган.

Ҳар бир соҳани эгаллаш ва тушунишда, соҳа мутахассисларининг мулоқот жараёнига киришишда, шу соҳа тили ва терминларини ўзлаштириш талаб этилади. Терминлар инсоннинг фикр оламида вужудга келиб, турли илмий назарияларнинг ривожланишида кўмакчи вазифасини бажаради. Терминлар нафақат турли соҳа вакилларининг, қолаверса, бутун инсониятнинг фойдаланиб келаётган манбаси ҳисобланади.

Терминларнинг замонавий тилшуносликда фаол муҳокама қилинаётган муҳим хусусиятларидан бири уларнинг тизимлилигидир. Тилдаги тизимли муносабатларни кенг ўрганишга Ф. де Соссюрнинг «Тил – барча элементлар бир бутунликни ташкил қиладиган тизим бўлиб, бир элементнинг аҳамияти айтилган дамда бошқаларининг борлигидан келиб чиқади»⁹ – деган фикри асос бўлди.

⁹ Соссюр Ф. Труды по языкознанию / Ф. Соссюр. – М.: Прогресс, 1977. – С. 147.

Маълумотларга қараганда, *термин* сўзи маъносининг келиб чиқиш тарихи милоддан аввалги даврларга бориб тақалади. *Термин* сўзи лотин тилидан таржима қилинганда «чегара тоши», «устун», «чегара белгиси» деган маънони англатиб, ушбу ном Қадимги Римда чегара худоси *Термин* шарафига қўйилган. Бу милоддан аввалги VIII асрнинг охири – VII асрнинг бошларида ҳукмронлик қилган Қадимги Римнинг 2-подшоҳи Нума Помпилиус даври билан боғлиқ. Қадимги Римда хусусий мулк ва чегараларнинг муқаддас ва дахлсизлик ғояси жуда кучли бўлган ва чегаралар тошлар билан белгиланган. Ҳатто римликлар чегара худоси *Термин* шарафига ҳар йили Терминалия байрамини нишонлаб келишган ва қурбонликлар қилишган¹⁰. Шундай қилиб, «термин» сўзининг келиб чиқиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалса-да, XX аср дунё тилшунослигида *терминга* таъриф беришда турлича ёндашувлар кузатилади.

Немис тилшунослигида терминларни тадқиқ этиш 1970 йилдан бери муайян ёндашувлар асосида амалга ошириб келинмоқда. Л.Ҳоффман¹¹ терминни махсус чегараланган мулоқот доирасида, фақат маълум соҳада фаолият юритадиган инсонларнинг тушуниши учун ишлатилишини, Ҳ.Флук¹² ва Р.Торстен¹³ терминлар нафақат мутахассислар ўртасида алоқа воситаси сифатида намоён бўлишини, балки касбий билимларга эга бўлишда хизмат қилишини таъкидлайдилар. И.Квитко терминнинг сўз эканлигини, бошқа сўз ва сўз бирикмалари билан тизимли муносабатда бўлувчи ва улар билан алоҳида ҳолларда ифодаланувчи ва маълум тизимда кенг маъноликни, бир маъноликни, аниқликни ва нейтралликни билдиришини қатъий таъкидлайди¹⁴.

Терминнинг аниқ бирлик эканлигини, аввало, А.Реформатский¹⁵, кейинроқ А.Герд¹⁶ ва А.Йорн¹⁷нинг тадқиқотларида ҳам учратиш мумкин. Л.Ҳоффман, И.Квитко А.Герд ва А.Йорннинг фикрлари сўзнинг мазмунини ақс эттириш нуқтаи назаридан унинг изоҳида белгиланаётган тушунчанинг мавжуд зарурий ва етарли белгилари орқали аниқликни ифода этиши, махсус сўзнинг аниқ чегарага эга эканлиги терминнинг *аниқлик* мезонига тўғри келади.

Ўзбек тилшунослигида А.Ҳожиёв «термин (лот. Terminus – чек, чегара, чегара белгиси) фан, техника ва бошқа соҳага оид нарса ҳақидаги тушунчани аниқ ифодаладиган, ишлатилиш доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмаси, атама»¹⁸ – деб қайд этган. Ушбу фикрни А.Мадвалиев, Р.Дониёров ва И.Йўлдошев ва бошқа олимлар қўллаб-қувватлайди. Аввалроқ, ушбу фикр Л.Крысин¹⁹да учраган эди. Терминнинг иккинчи маъноси муайян

¹⁰ <https://ru.wikipedia.org/wiki/терминалии>

¹¹ Hoffmann L. Kommunikationsmittel/Fachsprache. Eine Einführung. – Tübingen: 1985. – S. 53.

¹² Fluck H.R. Fachsprachen. 5. Aufl. – Tübingen-Basel. Francke, 1996. – S. 34.

¹³ Thorsten R. Fachsprachen. – Berlin: Schmidt, 1999. – S. 17-18.

¹⁴ Квитко И. С. Термин в научном документе. – Львов. Изд-во при Львовском ун-те, 1976. – С. 128.

¹⁵ Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: Просвещение, 1967. – С. 110.

¹⁶ Герд А.С. Формирование терминологической структуры русского биологического текста. – Л.: ЛГУ, 1981. – С. 112.

¹⁷ Jörn A. Übersetzung und Linguistik. – Tübingen: Gunter Narr, 2005. – S. 18.

¹⁸ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2002. – Б. 104.

¹⁹ Крысин Л.П. Толковый словарь иноязычных слов. – М.: Русский язык, 1998. – С. 503.

фан, техника, санъат ва бошқа соҳаларга тааллуқли бўлган махсус лексикани англатади.

Рус тилшунослари В.Даниленко ва Т.Канделакининг фикрича, «...термин махсус сўзлар эмас, балки лексик birlik, яъни термин – бу таърифлашни, изоҳни талаб қилувчи лексик birlikдир»²⁰.

Биз юқорида номлари келтирилган олимларнинг қарашларини таҳлил қилиб, ўрганилган манбаларга таяниб, Ҳ.Флук, В.Даниленко ва Т.Канделаки ва ўзбек тилшунослигида А.Ҳожиёв, А.Мадвалиёв, Р.Дониёров каби олимларнинг фикрларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Ўрмончилик терминлари устида олинган тадқиқот натижаларига асосланиб, «термин – ҳад, чек, чегара бўлиши билан бирга, сўз бирикмаси, ўз семантик доирасига эга бўлган махсус соҳаларда ишлатилиш кўлами билан чегараланган ҳамда шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик birlik» – эканлигини тан оламиз. Чунки, нафақат тилда, бошқа соҳа лексикасида ҳам реал ҳолатлар ва тушунчаларни ифодаловчи хилма-хил воситаларнинг мавжудлиги инкор этилмайди, балки лексик birlikлар билан ҳам ифода этилади. Шунинг учун инсоннинг меҳнат фаолияти турли соҳаларга оид предмет ва тушунчаларни ифода этадиган сўз ва сўз бирикмаларининг жамланмасидан иборат бўлади.

Терминларнинг диахрон тадқиқида бош асос «ўрмон» ва унинг таркибий қисми «дарахт» сўзларининг диахроник шаклланиши ўрганилди. Инсоният яратибдики, унинг тафаккур олами ва тилида ер, ўрмон, тоғ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ифодаланиши намоён бўлади. «*Der Wald*» ўрмон сўзи умумий немисча сўз бўлиб, ahd. (Althochdeutsch) *walt*, mhd. (Mittelhochdeutsch) *wold*, *veraltet* «*ривожланмаган ер*» маъносини англатган. Баъзи маълумотларга кўра, «*ўтли майдон*», «*яйлов*» маъноларини ҳам билдирган. XVI асрда «*walde*» шакли ўз қийматини йўқотмаган.

Ўрмончилик терминологиясининг ривожланиши ботаник билимларнинг ривожини билан ҳамма ҳамма чамбарчас боғлиқ. Эрамиздан аввалги IV асрда яшаб ижод қилган «ботаника отаси» номи билан тарихда машҳур бўлган Теофраст «Ўсимликлар ҳақида тадқиқот» номи асарида барча яшил ўсимликларни дарахтлар, буталар, ярим бута ва ўтларга бўлиб ўрганиб чиққан²¹. Ўрмончилик лексикасининг асосий қисмини ташкил этувчи дарахт ва буталарни илмий ўрганиш швед ботаник олими Карл Линней номи билан боғлиқдир. У XVII асрда ўсимликларни номлаш тизимини ишлаб чиқиб, дарахт ва буталарнинг илмий номларини аниқлади, уларнинг морфологик белгиларига кўра оила ва туркумларга ажратди²². Ўша давргача ҳайвон ва ўсимлик номларини таснифлашда аниқ таъриф бўлмаган. Унинг терминологияга қўшган энг катта ҳиссаси шундаки, ўсимликларнинг морфологик белгиларига қараб, фанга 1000га яқин терминларни киритди ва у ҳозирги кунгача илм-фанда сақланиб қолган ва ўрганилмоқда.

²⁰ Даниленко В.П. Русская терминология: опыт лингвистического описания / В.П.Даниленко. – М.: Наука, 1977. – С. 15; Канделаки Т.Л. Семантика и мотивированность терминов / Т.Л.Канделаки. – М.: Наука, 1977. – С. 7.

²¹ [https://ru.wikipedia.org/wiki/ Теофраст](https://ru.wikipedia.org/wiki/Теофраст) 29.08.2021.

²² [https://ru.wikipedia.org/wiki/ Карл Линней](https://ru.wikipedia.org/wiki/Карл Линней) 30.08.2021.

Диссертациянинг иккинчи боби «Немис ва ўзбек тилларида ўрмончилик терминларининг деривацион тадқиқи» деб номланади. Ушбу бобда немис ва ўзбек тилларида ўрмончилик терминларининг сўз яшаш тизими ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эга эканлиги, ҳар икки тилда ҳам сўз ясалиши усул ва воситалар ёрдамида амалга оширилиши борасида фикр юритилади. Немис ва ўзбек тилларидаги ўрмончилик терминларининг таҳлилидан келиб чиқиб, сўз ясалишида немис тилида учта род қўшимчаларининг фаоллик даражаси, қайси сўз туркумларида кўпроқ учрашини аниқлашга ҳаракат қилинди. А.Ҳожиёвнинг келтиришича, ўзбек тилида сўз ясалишининг асосий усуллари сифатида: 1) семантик, 2) фонетик, 3) синтактик-лексик, 4) аффиксация, 5) композиция, 6) аббревиация²³ ва улар орасида энг асосийлари аффиксация ва композицион усуллар эканлигини қайд этган. Немис тилида Я.Беньяминов «Zusammensetzung (қўшма сўз), Ableitung (аффиксация), Übergang in eine neue Wortart (янги сўз туркумига ўтиш, конверсия), Kurzwortbildung (қисқартма сўз), Lautnachahmung (товушга тақлид сўз)» усулларига бўлган²⁴. Бошқа манбада Zusammensetzung (қўшма сўз), Ableitung (аффиксация), Kürzung (қисқартма сўз) сўз яшаш усуллари сифатида келтирилган²⁵. Ушбу ҳолатда, сўз ясалиш усуллари тўлиқ намоён этган Я.Беньяминовнинг фикрига таянилади. Кўринадики, иккала тилда ҳам сўз ясалишининг композицион, аффиксация, аббревиатура каби усуллари мавжуд. Аффиксация усули немис тилида иккига суффиксация ва префиксация усулларига бўлинади. Қайд этиш жоизки, ўзбек тилида сўз ясалиши академик А.Ҳожиёв томонидан чуқур ўрганилган. Унинг келтиришича, ўзбек адабий тилида от ясовчи аффикслар элликка яқин бўлиб, уларнинг сўз ясалишидаги иштироки бир хил эмас²⁶.

Суффиксация немис тилида сўз ясалишининг энг сермахсул усулидир.

Немис тилида **-er, -ler**, суффикслари сўз ясалишида фаол иштирок этиб, ўзбек тилига таржима қилишда **-чи** суффиксидан олдин ҳаракат номи ясовчи **-ов, -ув** қўшимчаларининг фаол иштироки аниқланди. Масалан: *der Forsteinrichter* – ўрмон барпо қилувчи, *der Handschäler* – қўлда нўстлоқ шилувчи, *тозаловчи*, *der Holzhauer* – дарахт кесувчи; *der Holzhändler* – ёғоч-тахта билан савдо қилувчи, *der Holzstapler* – ёғоч тахловчи.

Немис тилидаги **-ung, -ei** суффикслари ўзбек тилидаги ҳаракат номини ясовчи **-(u)ш** қўшимчасига тўғри келади. *die Astbildung* – шохланиш, шох чиқариш, *die Blütenentfaltung* – гуллаш, *die Wurzelbildung* – илдиз тузилиши, *die Flößerei* – ёғочни оқиш, *die Jagerei* – овлаш.

Немис тилидаги **-keit, -schaft** суффикслари ўзбек тилидаги мавҳум от ясовчи **-лик** қўшимчасига мос келади. *die Dichtigkeit* – қалинлик, зичлик (ўрмонни), *die Haubarkeit* – етилганлик (кесмига), *die Kältebeständigkeit* – совуққа чидамлик, *die Holzigkeit* – ёғочсимонлик, *die Zwergwüchsigkeit* – карликлик, наканаллик (ўсишда).

²³ Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – Б. 29.

²⁴ Benjaminov J.R. Vergleichende Typologie der deutschen und usbekischen Sprache. – Т.: Ukituwtschi, 1982. – S. 55.

²⁵ Raschidowa D., Kraus I.I., Jurkova T.A. Lehrmaterial und praktische Übungen zur deutschen Lexikologie. – Т.: Ukituwtschi, 1989. – S. 14.

²⁶ Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – Б. 34.

Ўзбек тилида нарса, предмет, буюмларни кичрайтириш маъносини ифодаловчи **-ча** суффикси ўрмончилик терминларида анча катта кўрада. Масалан: *das Blümchen* – гул**ча**, *das Blütenkätzchen* – гулли баргак**ча**, кучала, *das Wurzelälchen* – илдиз нематод**ча**, *das Baumschwälbchen* – узунқуйруқ ўрмон чумчуқ**часи**, *das Hopfenkätzchen* – хмел, қулмоқ гудда**часи**. Таҳлилларга асосан, ўрмончилик лексемаларининг 650 таси суффиксация усулида ясаилиши ўрганилди ва қуйидаги 1-жадвалда сўз ясовчи қўшимчаларнинг иштирокига кўра статистик таҳлили келтирилди.

1-жадвал

Суффиксация усулида ясалган ўрмончилик лексемасининг статистик таҳлили

№	Род категориясига кўра	Суффикслар	Немис тилида сўзлар сони	Умумий фоизи
1	Мужской род	-er	76	12 %
2		-ling	37	6 %
3		-ler	35	5 %
4	Женский род	-ung	386	59 %
5		-keit	40	7 %
6		-schaft	30	4 %
7		-ei	11	2 %
8	Средний род	-chen	20	3 %
9		-tum	6	1 %
10		-werk	5	0,5 %
11		-or	4	0,5 %
12	Жами:		650	100 %

Жадвал маълумотларига кўра, барча род категориялари бўйича суффиксация усули билан ўрмончилик сўзларининг ясаилиши таҳлил қилинди. Улар орасида женский род суффикслари сўз ясаилишида анча сермахсуллиги аниқланди. Ушбу таҳлилда барча суффиксларнинг ҳам сўз ясаилишида иштирок этмаслиги маълум бўлди ҳамда улар жадвалда ўз аксини топмаган.

Префиксация усули немис тили бошқа қатламларида сўз яшашнинг сермахсул усули бўлса-да, ўрмончилик сўз ва терминларининг ясаилишида кўп учрамайди. Префиксация сўз ясаилишининг шундай усулики, унда префикс асосга бириктирилган ва фақат ўзакдан олдин туради. Немис тилида от префикслар сермахсул саналади. Уларга **un-**, **ge-**, **miss-**, **ur-** префикслари киради. Синоним маънога эга бўлган **un-** ва **miss-** префикслари грамматик форма ясовчи, инкор тушунчани ифодаловчи, кўпинча от ва сифатнинг салбий жиҳатини билдиради. Масалан, *Unhölzer* – бутасуз, *der Mißwuchs* – нормадан ташқари ўсиш, **нонормал ўсиш**, *der Urwald* – қадимги ўрмон.

Немис тилига латин тилидан ўзлашган сўз ясовчи **in-**, **inter-** юнон тилидан **auto-**, **mikro-**, **makro-**, **mono-**, **poly-** ўзлашма префикслар ҳам мавжуд. Ўзбек тилида префиксация усули катта кўрада. Бу ҳодиса, асосан, тожик тилидан ўзлашган **но-**, **бе-**, **ҳам-** префикслари орқали сўзлар ясаида учрайди.

Немис тилшунослигида сўзларнинг бир сўз туркумидан бошқа сўз туркумига ўтиши конверсия, транспозиция каби бир неча номлар билан аталади. Таҳлил натижасига кўра, немис тилида конверсиялашган 46 та ўрмончилик лексикаси ўзбек тилида морфологик усул билан ясалган лексикага тўғри келиши аниқланди. Ўзбек тилида ўрмончилик лексикасининг конверсия усулида ясалиши феълнинг сифатдош ва ҳаракат номи шакллари билан боғлиқдир. Феълнинг сифатдош шаклидан ясалган Ўрмончилик лексикасининг ясалишида **-ган, -чи, -овчи, -увчи** каби суффикслар фаол иштирок этади. Масалан, *кесилган, қуриган, экилган, етилган, чириган, тозаловчи, ошловчи, шилувчи, қўзгатувчи, кесувчи, бошқарувчи, ўсувчи, чирмашувчи, озиқлантирувчи, чангланувчи, тарқатувчи, юқтирувчи* ва б.

Феълнинг ҳаракат номи шаклидан ўрмончилик лексикасининг ясалишида **-иш** суффикси маҳсулдор. Жумладан: *шилиш, қуриш, қўпориш, алангаланиш, кесиш, ўсиш, экиш, йиқитиш, пишиш, тўкилиш, тарқалиш, юмишатиш, суғориш* ва б.

Немис тили ўрмончилик терминологик тизимида суффиксиз феълларнинг конверсияга учраш ҳолатини қуйидаги 2-жадвалда кўриш мумкин.

2-жадвал


Суффиксиз феълларнинг конверсияга учраши

№	Немисча номи	Ўзбек тилида берилиши	Конверсияга учраш ҳолати	Янги лексик маъноси
1	ästen	кесмоқ (шохни)	der Ast	шох
2	fruchten	ҳосилга кирмоқ	das Fruchten	мева, ҳосил
3	holzen	кесмоқ (дарахтни)	das Holz	ёғоч
4	pfropfen	пайванд қилмоқ	das Pfropfen	пайванд

Кўринадики, барча қаторлардаги феълларда *-en* қўшимчаси сўз ясовчи эмас, балки шакл ясовчи қўшимча ҳисобланади. Бундан ташқари префиксли феълларнинг сифат сўз туркумидан конверсияга учраган ўрмончилик лексикаси ҳам учрайди. Сўз яшаш жараёнида феълларни отларга айлантириш қулайлиги, кўплаб от ва феъл қўшимчаларининг умумийлиги билан тавсифланади.

Немис тили ўрмончилик терминологияси тизимида кўшма терминларнинг от+от (N+N), сифат+от (Adj+N), сон+от (Z+N), от+феъл (N+V), предлог+от (P+N), равиш+от (Adv+N) қолипларида ясалиши аниқланди. Масалан, от+от (N+N) қолипи, *das Laubholz, der Lärchenkrebs, der Lindenwald*. Ўзбек тилида эса *сохтакаштан, тоғолча, тоғжумрут, қуёнсуяк, қушжуйда кабилар*. Бундан ташқари, от+от компонентли кўшма сўзларнинг, одатда, учта, тўртта сўзлардан битта сўз ясаши немис тилига хосдир. Масалан, *Fichte* (*қорақарағай*) + *das Gespinst* (*эшилган, йигирилган ип*) + *das Blatt* (*барг*) + *die Wespe* (*арп*) тўртта сўз, *Fichtengespinstblattwespe* кўшма сўзини ясайди. *Fichtennadelmarkwickler, Fichtennadel-mark-wickler* тўртта сўздан *Flaumhaareichengebiet, Flaum-haar-eichen-gebiet* ҳам тўртта сўздан иборат. Бинобарин, немис тилида *Dünenbepflanzung* сўзи ўзбек тилидаги «қумтепаларни дарахтзорларга айлантириш», *Entwurzelung* сўзи «дарахтни томири билан қулатиш», *Abtriebsfläche* сўзи «ўрмоннинг дарахт кесилаётган яхлит майдони» сўзларига мос келади. Икки тилда сўзлар бир-бири

билан солиштирганда, сўзнинг қисқа ва ихчам бўлишидаги фарқлар яққол кўзга ташланади. Бироқ немис тилида бир сўз билан ифодаланган сўзни ўзбек тилида бир сўз билан ифода этиб бўлмайди. Қуйида икки тилда композицион усулда ясалган сўзлар миқдори келтирилди.



1-расм. Немис ва ўзбек тиллари ўрмончилик лексикасида композицион усулда ясалган сўзлар миқдори


Юқорида келтирилган мисоллардан кўринадики, сўз яшашнинг еттига қолипи ўрмончилик терминологик тизимида кузатилади.

Тил инсон онгида воқеликни акс эттиришда муҳим рол ўйнайди. Турли номлар орқали инсон бирон-бир ҳодисани, нарсани, унинг ҳаётдаги аҳамияти ва шу билан бирга ҳодисанинг умумий аҳамиятини аниқлайди. Тилшуносликнинг муҳим соҳаси бўлган номинация назарияси ўрганилаётган соҳага ҳар томонлама янги қарашга имкон беради.

Номлаш тамойиллари ва мезонлари нафақат ўрмончилик терминологиясида, балки бошқа соҳалар терминологиясида ҳам ишлатилади. Бошқача қилиб айтганда, дендронимлар номинацияси ўзига хос назарияга эгадир. Бу тўғридан-тўғри терминологик назариянинг, лексикологиянинг ҳам муҳим таркибий қисмига айланиб улгурган. Номинацияда ўсимликни (дарахт ҳам ўсимлик, ўрмончилик терминлари асосини ўсимликлар ташкил қилади) эстетик ва бошқа ҳиссий жиҳатдан баҳолаш хусусиятлари мавжуд. Табиийки, мотивацион белгилар бирламчи даражали бўлса, прагматик белгилар эса ўсимликлар дунёси билан танишиш жараёнида тан олинади.

Ўрмончилик терминологиясида, асосан, дендронимларнинг номланишида ўсимликларнинг ҳаётий белги ва хусусиятлари, ҳудудий жойлашуви ва бошқа жиҳатлари инобатга олинади. Шунингдек, барча ҳудудларда иқлим шароити тилда мавжуд предметларнинг номланишига маълум даражада таъсир кўрсатади. Масалан, дарахтларнинг белгиларида, муайян ҳудудларда ўстирилиши ҳам тилга бевосита таъсир этмай қолмайди. Немис тилида: *amerikanische Esche*, *amerikanische Lärche*, *chinesische Pappel*, *italienische Pappel*, *kanadische Pappel*, *japanische Linde*, *holländische Linde*, *sibirische Fichte* кабилар. Ўзбек тилида: *Зарафшон арчаси*, *Тожикистон терағи*, *Туркистон жузғуни*, *Форс четани*, *Туркистон қандими* ва бошқалар.

Х.Палуанованинг терминологик номинация хусусидаги фикрига кўра, «номлаш жараёнида инсонларнинг илмий-амалий фаолияти натижасида шаклландиган махсус тушунчанинг лисоний белгига бириктириб қўйилиши содир бўлади»²⁷. Ушбу фикрга асосланиб немис ва ўзбек тилларида дарахт ва бута номларининг мотив белгиларига кўра, 7 та мотивацияси ўрганилди.



2-расм. Дарахт ва бута номларининг мотив белгиларига кўра номинацияси

Ўрмончилик лексикасининг ясалишида номинациянинг барча хусусиятларини, яъни махсус соҳалардаги янги тушунчалар, янгидан кашф қилинган ва пайдо бўлган предметларни белгилаш мақсадларида самарали хизмат қилишини инобатга олган ҳолда, энг мувофиқлари танлаб олинди.

Тадқиқотнинг учинчи боби «**Немис ва ўзбек тилларида ўрмончилик терминларининг функционал-семантик хусусиятлари**»ни ўрганишга бағишланган. Тилшунослиқда тил лексик қатламлари тизимли характерга эга бўлиб, унда лексик-семантик гуруҳлар синонимик ва антонимик парадигмалар билан бир қаторда, луғавий бирликлар орасида лексик-семантик муносабатларнинг янги бир тури гипонимия алоҳида ажратилади. Гипонимия, гипоним ва гипероним атамалари 1968 йил инглиз тилшуноси Д.Лайонз томонидан қўлланилган ва кейинроқ дастлабки илмий маълумотлар рус олимлари А.Уфимцева ва Л.Новиковларнинг ишларида юзага чиққан²⁸. Агар синонимик ва антонимик бирикмалар сўзларнинг фақат бир қисмини бирлаштиради, жинс-тур муносабатлари барча қисмини эгаллайди ва сўзнинг умумлаштирувчи хусусиятидан келиб чиқади. Табиат ва жамиятда мавжуд бўлган асосий жинслар ва уларнинг турларига хос бўлган барча хусусиятлар ўзига хос мукамал парадигма – жинс-тур муносабатлари орқали юзага чиқади²⁹. Дендронимлар мисолида гипо-гипероним муносабатлар 3-жадвалда келтирилди.

²⁷ Палуанова Х.Д. Экология терминларнинг деривацион-семантик хусусиятлари. Филол. фан. док. дисс. Автореф. – Т., 2016. – Б. 26.

²⁸ Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. –Т.: Ўқитувчи, 1996. –Б. 4.

²⁹ Джурабаева З.А., Собирова Д.А. Гипонимия ҳодисаси ҳақида баъзи бир мулоҳазалар. // Ўзбек тили тараққиёти ва халқаро ҳамкорлик масалалари мавзусидаги халқаро илмий-амалий анфуман материаллари. – Т.: Навоий университети нашриёт-матбаа уйи, 2019. –Б. 104.

«Қарағай, заранг, тол» туркумларига нисбатан жинс-тур муносабатларининг бирикиши

№	Гипероним	Гипоним
1	die Fichte	Немис тилида: die Fahre, die Fohre, die Forche, die Forle, die Kuschel, die Kussel, die Sandkiefer (Pinus silvestrus), die Aleppofichte (Pinus halepensis Mill), die Bankskiefer (Pinus Banksiana Lamb), die Sumpkiefer (Pinus palustris Mill), die Seekiefer (Pinus pinaster Sol), die Lambertskiefer (Pinus Lambertiana Dough), die Gelbkiefer (Pinus ponderosa Dough), die Harzkiefer (Pinus resinosa Ait), die Bergkiefer (Pinus montana Mill).
	қарағай	Ўзбек тилида: оддий қарағай, Элдор қарағайи, сариқ қарағай, Қрим қарағайи, Сибир қарағайи, Европа қарағайи, Корея қарағайи, Веймутов қарағайи.
2	der Ahorn	Немис тилида: der amerikanische Ahorn, der eschenblättrige Ahorn, der großblättrige Ahorn, der kleinblättrige Ahorn, der rote Ahorn, der weiße Ahorn, die turkestanische Ahorn.
	заранг	Ўзбек тилида: Туркистон заранги, Семенов заранги, дала заранги.
3	die Weide	Die Bandweide (<i>Salix viminalis L.</i>), die Bachweide (<i>Salix helix L.</i>), die Bruchweide (<i>Salix fragilis L.</i>), die Goldweide (<i>Salix vitellina Stockes.</i>), die Hohlweide (<i>Salix caprea.</i>), die Krautweide (<i>Salix herbacea L.</i>), die Lorbeerweide қора тол (<i>Salix pentandra L.</i>), die Mandelweide (<i>Salix amygdalina L.</i>), die Polarweide (<i>Salix polaris Whlb.</i>), die Purpurweide (<i>Salix purpurea L.</i>), die Schimmelweide (<i>Salix daphnoides Vill.</i>), die Tränenweide (<i>Salix babylonica L.</i>).
	тол	Ўзбек тилида: чивиқсимон тол, эчкитол, қизил тол, мажнунтол, самбиттол.

Мазкур 1-қаторда санаб ўтилган гиперонимларнинг барчаси «қарағай» дендронимига, 2-қатордагиси «заранг», 3-қатордагиси «тол» дендронимига нисбатан гипонимга айланади ва ягона бир тўпламни, яъни ўрмончилик терминлар тизимини ташкил этади. Уларнинг айнан битта майдонга тўпланиши ўрмончилик билан боғлиқ лексик қатламнинг тизимли характерга эга эканлигини таъминлайди. Ўрмончилик терминосистемасига кирувчи лексик бирликлар ўртасида ягона ўқ илдизга бирлашиб турувчи муносабатларнинг мураккаб кўриниши ҳукм суради. Тизим қонуниятларига кўра, ҳамма нарсани бутунлик ичидаги қисмлар ўртасида содир бўлаётган муносабатлар белгилайди. 3-жадвалда қарағай, заранг, тол сўзлари жинс тушунчасини ифодаловчи сўз сифатида уларнинг турлари, яъни 3-устундаги гипонимлар билан боғланган.

